

## Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстона алоқалар ривожланмоқда



17:43 / 21.02.2023 1438

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқ Тошбоев ва бошқа масъуллардан иборат делегация Миср Араб Республикасида хизмат сафарида бўлиб турибди.



Сафар давомида делегация вакиллари «Ал-Азҳар» мажмуаси раҳбари ўринбосари шайх Муҳаммад ад-Дувайний ва Миср Араб Республикаси муфтийси Шавқий Аллом билан учрашдилар.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати*